БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

43-йил чиқиши
№ 223 (11.972)

Жума, 22 сентябрь 1961 йил

Баҳоси 2 тийин

Ўзбекистон Компартиясининг XVI съезди делегатлари диққатига

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билдиради, **Ўзбекистон Компартиясининг XVI съезди 1961 йил 25 сентябрь эрталаб соат 10 да Навоий номидаги театр биносида очилади.**

Делегатлар 22, 23 ва 24 сентябрь кунлари эрталаб соат 10 дан кеч соат 10 гача Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биносида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

Совет-Куба қўшма ахбороти

СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг таклифига мувофиқ Куба Республикасининг президенти доктор Освальдо Дортикос Торрадо 11 сентябрдан 21 сентябргача давлат визити билан Совет Иттифоқида бўлди. Освальдо Дортикос Торрадо Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежнев билан учрашди ва суҳбат қилди.

Ана шу учрашувлар давомида, дейилади ахборотда, ҳозирги халқаро вазиятнинг асосий проблемалари юзасидан, шунингдек Совет-Куба муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари юзасидан дўстона ва самимий фикр олишилди. Томонлар муҳокама қилинган барча халқаро масалаларда Совет Иттифоқи ва Куба Республикасининг позициялари бир хил эканлигини таъкидладилар.

Совет ҳукуматининг Германия билан сулҳ шартномаси тузиш масаласи ҳақидаги позицияси президент О. Дортикосга баён қилиб берилди. Совет ҳукумати Германия масаласини манфаатдор барча томонлар учун мақбул тарзда ҳал этиш йўлини топиш мумкин эканлигига ишонганлигини яна бир марта изҳор қилди.

Куба Республикасининг президенти Совет Иттифоқининг Германия масаласидаги позициясини батамом тушунганлигини ва қўллаб-қувватлашини билдирди.

Томонлар Германия Демократик Республикасини ва Германия Федератив Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти уставининг принципларига муносибдир ва немис миллатининг келгусида тинч йўлдан нормал ривожланишини таъминлашнинг муҳим шарти бўлур эди, деган фикрни изҳор қилдилар.

Президент О. Дортикос айтдики, Куба Республикасининг ҳукумати НАТОда аъзо бўлган Ғарб давлатлари ҳарбий тайёргарликни авж олдириб юборган ва Совет Иттифоқига очиқдан-очиқ таҳдид қилаётган бир шароитда Совет ҳукумати ўз мамлакатининг мудофаа қобилиятини таъминлаш учун зарур чоралар кўришга мажбур бўлганлигини яхши англайди.

Ҳар иккала ҳукумат якдиллик билан шуни изҳор қиладики, жаҳонда рўй берган вазият қаттиқ ва самарали контроль остида ёппасига ва батамом қуролсизланишни амалга ошириш учун янада зўр саъбот билан ишлашни талаб этади. Томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XVI сессиясида шу масала юзасидан қарорлар қабул қилинишига эришиш ниятида экانликларини таъкидладилар. Ахборотда мустамлакачиликнинг барча формалари ва кўринишларини дарҳол ва узилкесил тугатиш мақсадида тинчликсевар давлатларнинг бундан буён ҳам зўр ғайрат билан ишлашлари зарур эканлиги уқтириб ўтилади.

Совет ва Куба томони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органларининг структураси ва состави ҳозирги вақтда жаҳонда давлатларнинг уч асосий группаси борлигидан иборат фактни акс эттириши лозим, деган фикрда эканликларини изҳор қилади. Томонлар Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги қонуний ҳуқуқларини тиклашдан иборат бўлган ва кўпданоқ ҳал этиш пайти келган масала дарҳол ҳал этилиши лозим деб ҳисоблайдилар. Улар Мўғулистон Халқ Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилиш тўғрисидаги масалани тезликда ижобий ҳал этиш тарафдори дирлар.

Томонлар бамаслаҳат шу фикрни изҳор қиладиларки, қўшилмаган давлатларнинг Белградда ўтказилган конференцияси империализмга ва мустамлакачиликка қарши кураш йўлида фойдали қадам бўлди. Совет ҳукумати революцион Куба делегациясининг ана шу конференцияда изчил ва қатъий позицияда бўлганлигини таъкидлайди. Бундай позиция миллий озодлик ҳаракатини ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги курашни янада кучайтиришга қаратилган қарорлар қабул қилинишига ёрдам берди.

Совет ҳукумати ўз мамлакатининг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун, Куба революциясининг юксак ғоялари ва мақсадларини амалга ошириш учун қурашаётган қаҳрамон Куба халқини ва унинг революцион ҳукуматини тамомила қўллаб-қувватлаётганлигини билдиради.

Ҳар иккала томон савдо-сотиқ тўғрисидаги, иқтисодий, техника ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар муваффақиятли бажарилаётганлигини мамнуният билан қайд қилдилар. Иқтисодий ҳамкорликни ва Совет-Куба савдосини янада кенгайтириш тадбирларини муҳокама қилдилар ва белгилаб чиқдилар.

Ахборотни Л. И. Брежнев ва доктор Освальдо Дортикос Торрадо имзоладилар. (ТАСС).

ПАХТА ФРОНТИ ИЛҒОРЛАРИГА ТЕНГЛАШИНГИЗ!

Самарқанд области бир кунда 2,23 процент пахта топширди.

ИЛҒОРЛАРДАН ЎРНАК ОЛИБ, ТЕРИМ СУРЪАТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИНГ, ҒЎЗА БАРГИНИ ТЎКТИРИШНИ ТЕЗЛАШТИРИНГ, ТЕРИМ МАШИНАЛАРИНИ ТЎЛА ИШГА СОЛИНГ!



Янгийўл районидаги Хрушчев номли колхоз раиси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов хирмондаги пахтанинг сифатини текшириб кўрмоқда. Суратда: Ҳамроқул ТУРСУНҚУЛОВ ва колхозчи Жамол ҲАМРОЕВ. И. Глуберзон фотоси.

КОММУНИСТ БОШЛИҚ БРИГАДАНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

МАШҲУР МЕХАНИЗАТОР МЕЛИҚЎЗИ УМРЗОҚОВ БИР КУНДА 4 ТОННА ПАХТА ТЕРДИ

Райондаги «Сталинград» колхозининг коммунист Жўрабой Жумабоев бошлиқ бригадаси съезд олди социалистик мусобақасига қўшилиб, ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган эди. Бригада аъзолари дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. 40 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил кўтариб, Фарғона областида биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш планини бажардилар. Уртоқ Жумабоев бошлиқ бригада илгари олинган социалистик мажбурият—50 ўрнига ҳар гектаридан 60 центнердан пахта топширишга аҳд қилди.

Машҳур механизатор Мелиқўзи Умрзоқов Ленин номли колхознинг коммунистик меҳнат бригадасига бошчилик қилади. Бригадирнинг ўзи 20 сентябрь куни машинада 4 тоннадан ортиқроқ пахта терди. Унинг мавсум бошидан бери терган пахтаси 16,5 тоннага етди.

Районда ўтган куни 595 тонна пахта сотилди. Бу йиллик планнинг 2,03 процентини ташкил этади. Район пахтакорлари шу кунгача йиллик пахта тайёрлаш планини 39,77 процентга етказдилар.

А.ҚАМБАРОВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.
Поп райони.

БУГУН ПАХТА ФРОНТИДА

Узбекистон ССР районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1961 йил 21 сентябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Планнинг бажарилиши	Районлар	Планнинг бажарилиши	Районлар	Планнинг бажарилиши
Деҳқонобод	47,27	Қува	25,11	Бобкент	20,39
Юқори Чирчиқ	43,89	Пастдарғом	24,80	Урганч	20,37
Ленин	43,20	Шеробод	24,44	Хазорасп	20,37
Поп	39,79	Қамаши	24,40	Чиноз	19,79
Чуст	37,43	Булунғур	24,23	Коғон	19,44
Ғаллаорол	37,18	Қўрғонтепа	24,12	Беруний	19,30
Пахтаобод	35,31	Учқўрғон	24,04	Бешкент	19,01
Олтинкўл	34,01	Китоб	23,93	Қизилтепа	18,98
Пойариқ	33,64	Тўрткўл	23,89	Оқдарё	18,86
Оржоникидзе	33,13	Фарғона	23,76	Свердлов	18,83
Янкабоғ	33,02	Косонсой	23,66	Хатирчи	18,77
Жарқўрғон	32,28	Термиз	23,51	Бухоро	18,59
Чироқчи	31,31	Тўрақўрғон	23,38	Бўка	18,53
Шаҳрисабз	30,65	Наманган	23,30	Каттақўрғон	17,71
Ғузор	30,26	Норин	23,30	Конимех	17,59
Янгиқўрғон	29,99	Зомин	23,18	Киров	17,26
Сариосиё	29,90	Қоракўл	23,02	Навоий	17,20
Шўрчи	29,69	Бағдод	22,96	Қўқон	17,18
Андижон	29,58	Шовот	22,79	Сирдарё	17,01
Ворошилов	29,48	Шофрикон	22,76	Норпой	16,45
Ангор	29,02	Хонқа	22,58	Косон	16,42
Сталин	28,60	Ленинград	22,47	Қўнғирот	15,88
Қўшкўпир	28,24	Уйчи	22,31	Оққўрғон	15,85
Марҳамат	27,94	Бўз	22,30	Тахтакўпир	15,83
Холлаевобек	27,82	Иштихон	21,89	Чимбой	15,30
Хева	27,11	Гурлан	21,64	Бекобод	15,09
Пискент	26,96	Янгиариқ	21,42	Комсомол	14,37
Чинобод	26,96	Ғиждувон	21,36	Хўжайли	14,24
Жиззах	26,95	Узбекистон	20,94	Амударё	14,12
Хўжаобод	26,90	Олтиариқ	20,89	Қарши	13,92
Денов	26,78	Фрунзе	20,78	Пахтакор	13,76
Избоскан	26,51	Янгийўл	20,78	Янгиер	13,73
Жалақудуқ	26,48	Куйбишев	20,66	Қуйи Чирчиқ	13,45
Балиқчи	26,28	Ўрта Чирчиқ	20,60	Самарқанд	11,63
Ромитан	25,31	Маргилон	20,52	Гулистон	11,58
Жомбой	25,28	Охунбобоев	20,42	Кегайли	10,35

Қанча пахта топширилди?

Ўзбекистон ССР областларида пахта тайёрлашнинг, ҳосилни қоп-қанорсиз ташишнинг ва ғўза баргини тўктиришнинг бориши тўғрисида 1961 йил 21 сентябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Пахта тайёрлаш ва ғўза баргини тўктириш—планга нисбатан, машина терими ва ҳосилни қоп-қанорсиз ташиш — мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Пахта тайёрлаш: Бир кунда	Пахта тайёрлаш: Мавсум бошидан бери	Пахта тайёрлаш: шу жумладан машина терими	Пахтани қоп-қанорсиз ташиш	Ғўза баргини тўктириш
Андижон	1,99	27,93	1,02	22,31	18,8
Сурхондарё	1,68	27,47	2,08	17,08	38,2
Хоразм	1,97	22,88	—	5,45	28,6
Фарғона	1,42	22,57	0,17	10,08	1,8
Самарқанд	2,23	22,31	0,89	12,16	52,2
Бухоро	1,78	20,64	0,15	10,94	21,7
Тошкент	1,23	18,56	1,35	12,26	51,6
Қорақалпоғистон АССР	1,18	17,00	0,05	5,29	43,8

ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР СОВҒАСИ

Тошкент магистралининг темир йўлчилари 9 ойлик юк ортиш планини Ўзбекистон Компартияси XVI съезди очиладиган кунгача бажариш мажбуриятини олган эдилар. Барча куч ва имкониятларни олинган мажбуриятни рўёбга чиқариш учун сафарбар қилиш натижасида магистралчилар 9 ойлик юк ортиш планини муддатидан илгари — 21 сентябрда бажаришга муваффақ бўлдилар. Тошкўмир, тўқимачилик саноати учун хомашё ва бошқа ҳил юкларни ташиш топшириқлари орттириб адо этилди. Огир юкли поездларда нормадан ташқари 8 миллион тоннага яқин халқ хўжалиги юкларн ташилди. Пенсиядаги магистралчилар ой охиригача планга қўшимча равишда яна бир неча юз минг тонна юк ортиб жўнатишга аҳд қилдилар.

БАЙРОҚ АНДИЖОНЛИК ВА ХОРАЗМЛИКЛАРДА

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети пахта териш ҳамда давлатга топшириш юзасидан областлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг якунига доир Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши ва республика Тайёрлаш министрлиги тақдим этган материалларни қараб чиқдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Андижон областида қолдирилди, (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Қурбонов**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ҳайдаров**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Исмоилов**, область совхозлар трестининг бошқарувчиси ўртоқ **Иброҳимов**, область таъёрлаш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Тўхтасинов**, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ **Шамсибоев**), бу область пахта тайёрлаш йиллик планини 27,93 процент, ҳосилни қоп-қанорсиз ташиш мажбуриятини 22,31 процент бажарди, сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида давлатга йиллик планнинг 16,91 процентини миқдорида пахта сотди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Хоразм областига** берилди (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Шамсутдинов**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Муродов**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Зинченко**, область таъёрлаш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Юсупов**, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ **Суторихин**), бу область пахта тайёрлаш йиллик планини 22,88 процент, ҳосилни қоп-қанорсиз ташиш мажбуриятини иккинчи ўн кунлигида давлатга йиллик планнинг 16,73 процентини миқдорида пахта сотди, кўчма Қизил байроқ Сурхондарё областидан олиб берилди.

Самарқанд области колхоз ва совхозларининг пахта териш ва сотиш ишларини яхши ташкил этганликлари қайд қилинди.

Пахта териш ва давлатга сотишда намуна кўрсатган колхоз ҳамда совхозларга сотиш учун Андижон ва Хоразм область ижроия комитетлари ихтиёрига 5 тадан юк автомашинаси ажратилди.

„ЎЗБЕКИСТОН“ КОЛХОЗИ ПАХТА ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

ЯНГИБОЗОР (Тошкент области), 21 сентябрь. (ЎзТАГ). Юқори Чирчиқ районидаги меҳнат кашлари орасида хушхабар тарқалди. «Ўзбекистон» колхозининг пахтакорлари бугун республикада биринчи бўлиб, давлатга пахта сотиш планини бажардилар. Ватан 206 тонна биринчи сорт пахта олди. Колхозчилар КПСС XXII съездига совға тариқасида съезд очиладиган кунгача яна 60 тонна «оқ олтин» териб, топширишга ваъда бердилар.

Бу йил биринчи марта пахта етиштира бошлаган ана шу колхоз ҳозирдаёқ ҳосилдорликни 20 центнерга етказди, уни 26 центнерга чиқаришни мўлжалламоқда.

Колхоз ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқларида ҳам ажойиб самаралар қўлга киритилди. Бугун каноп пояси сотиш йиллик плани бажарилди. 16 минг тонна яшил луб йиғиштириб олинди. Бу — ўтган йили шу вақтгача йиғиштириб олинганидан 500 тонна кўпдир.

Кўп тармоқли хўжалик давлатга гўшт, тухум, жун, пилла, пичан сотиш планларини ҳам ортиғи билан бажарди.

Колхозчилар КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини амалга оширишда бундан ҳам юксак самараларга эришишга қаттиқ бел боғладилар.

СОВЕТ-КУБА ҚЎШМА АХБОРОТИ ИМЗОЛАНДИ

20 сентябрда Кремлда Совет-Куба Қўшма Ахборотини имзолаш маросими бўлди.

Ахборотни совет томонидан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, Куба томонидан — Куба Республикасининг Президенти доктор Освальдо Дортикос Торрадо имзоладилар.

Ахборотни имзолаш вақтида:

Совет томонидан Н. Г. Игнатов, А. Н. Косыгин, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева Н. С. Хрушчев Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, В. В. Гришин ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Н. Н. Органов, ташқи савдо министри Н. С. Патоличев ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Ахборотни имзолаш вақтида Куба томонидан Куба бирлашган революцион ташкилотларининг раҳбарларидан бири — Блас Рока, Куба Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Фаурэ Чомон, Куба Республикасининг Мексикадаги элчиси Хосе Антонио Портуондо, Куба Республикасининг Чехословакия Социалистик Республикасидаги элчиси Рауль Роа Коури, шунингдек Куба Республикаси миллий банкининг маслаҳатчиси Хайме Барриос Месса ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

„Правда“ ва „Известия“ мухбирларининг саволига Н. С. Хрушчевнинг жавоби

Рим папаси Иоанн XXIIIнинг яқинда радио орқали сўзлаган нутқига халқаро жамоатчилик қизиқиш билан қаради. Рим-католик черковининг бошлиғи ана шу нутқида термоядро уруши ҳалокатини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳозирги халқаро аҳволдан ташвиш тортаётганлиги ва безовта бўлаётганлигини изҳор қилиб, давлатларнинг раҳбарларига ўз эммаларидаги «жуда катта масъулият»ни англаб олиш ҳақидаги даъват билан мурожаат қилди ҳамда «эркин ва самимий музокарәлар» ўтказилишини ёқлаб фикр билдирди.

«Правда» ва «Известия» мухбирлари ўртоқ Н. С. Хрушчевга қуйидаги савол билан мурожаат қилдилар:

САВОЛ: Рим папаси Иоанн XXIIIнинг уруш ҳалокатининг олдини олиш учун музокаралар ўтказиш ҳақидаги даъватига Сиз қандай баҳо берасиз?

Н. С. ХРУШЧЕВ: Менга чет эллардаги турли хил арбобларнинг — сиёсий, ҳарбий, жамоат ва диний арбобларнинг нутқлари билан танишишга тўғри келади. Мен Рим папасининг нутқини ҳам ўқиб чиқдим. Ўқиганда ҳам, қизиқиш билан ўқидим.

Ғарбдаги агрессив кучларнинг хатарли суратда ўт билан ўйнашаётганлигига қарши норозилик билдириб чиқаётган ҳар бир арбобнинг сўзига бизнинг дарримизда қулоқ солмоқ керак. Папа умумий тинчликнинг тақдири учун безовталик изҳор қилганлиги жаҳон сиёсати ишларидаги бефаҳмлик ва авантюризмнинг оқибати яхшилик билан тугамаслигини чет эллардаги ҳамма жойда тобора яққолроқ тушуниб олаётганликларини кўрсатади. Афтидан, католик черковининг бошлиғи ер шарининг ҳамма қисмларидаги кўп миллион католикларнинг кайфиятлари билан ҳисоблашаётган кўринади, бу католиклар империалистларнинг ҳарбий тайёргарликларидан ташвиш тортмоқдалар Иоанн XXIII ҳукуматларни ялпи ҳалокат ҳақида огоҳлантириб, уларни тарих олдидаги жуда катта масъулиятларини англаб олишга даъват этар экан, соғлом ақл тақозоси билан иш тутади. Бундай даъват — яхшиликнинг аломатидир.

Одамларни қиришнинг энг даҳшатли воситалари яратилган бизнинг замонамизда халқлар тақдири билан ўйнашишга айниқса йўл қўйиб бўлмайди. Ўз-ўзидан маълумки, бу ерда гап Рим папаси айтганидек, «тангрининг қаҳридан» қўрқишда эмас. Мен коммунист ва атеист бўлганим учун «парвардигорнинг қудрати»га ишонмайман, лекин бир нарсани қатъий айта оламан: ҳукуматларнинг ўз халқлари олдидаги, инсоният олдидаги буюк масъулияти уларнинг қўлларидан келган ҳамма чораларни кўриб, иккинчи жаҳон уруши қолдиқларини тугатишга, кескинлик манбаларига хотима беришга, жаҳон миқёсида янги ёнғин чиқармоқчи бўлаётган кишиларни жиловлаб қўйишга олиб борувчи йўлларни биргаликда қидиришга киришмоқларини тақозо этади.

Совет ҳукуматига келганда шуни айтиш керакки, у янги жаҳон урушининг хатарини даф этиш, Германия билан сулҳ шартномаси тузиш ва шу асосда Ғарбий Берлиндаги аҳволни нормаллаштириш, қаттиқ контроль ўрнатган ҳолда ёппасига ва батамом қуролсизланишни амалга ошириш, ер юзида мустаҳкам тинчликни қарор топтириш йўлида зўр бериб курашиб келди ва курашмоқда. Барча низоли халқаро проблемаларни музокаралар ўтказиш йўли билан тинч ҳал этиш тарафдори эканлигимизни биз ҳамиша таъкидлаб келдик ва таъкидламоқдамиз. шунинг учун тинчлик манфаатларини кўзлаб музокаралар ўтказиш ҳақидаги даъват кимдан чиқишидан қатъи назар, биз бу даъватни фақат табриклай оламиз. Католик динининг Ж. Кеннеди К. Аденауэр ва шу каби бошқа ихлосмандлари Рим папасининг «та барруч огоҳлантириши»га қулоқ солармикинлар?

Пировардида шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, барча кишилар — диндорлар ва динсизлар, барча сиёсий ва диний маслакларнинг намояндалари ер юзида мустаҳкам тинчлик таъминланишидан гоят манфаатдорлирлар. Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш йўлида барча тинчликсевар кучларни бирлаштириш — уруш хатарини тугатишнинг мустаҳкам гарантиясидир.

(«ПРАВДА», 21 сентябрь).

XXII СЪЕЗДОЛДИ МИНБАРИ

КПСС ПРОГРАММАСИ ВА УСТАВИ ПРОЕКТЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

Жаҳон маданияти яратган ҳамма нарсаларни ўзида мужассамлаштирган ва ривожлантирган коммунизм маданияти — инсониятнинг маданий тараққиётидаги янги, юқори босқичдир. Коммунизм маданияти жамият маънавий ҳаётининг барча ранг-баранг томонларини ва бойликларини, янги дунёнинг юксак ғоявийлиги ва гуманизмини ўзида гавдалантиради. Бу синфсиз жамият маданияти, умумхалқ умуминсоният маданияти бўлади.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ПРОГРАММАСИ ПРОЕКТИДАН

Биологиямизнинг порлоқ эртаси

Биология фанидан халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланишнинг имкониятлари жуда катта. Шунинг учун ҳам Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси проектида: **«Медицина проблемаларини муваффақиятли ҳал этиш, қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш эҳтиёжлари муносабати билан биология фанларининг бутун комплексини ривожлантиришда олға томон катта қадам ташланади»** деб алоҳида уқтириб ўтилади.

Бу биз, биологларга фаннинг шу тармоғини бундан буён янада тез суръатлар билан тараққий эттириш зарурлигини яққол кўрсатиб турибди.

Ўзбекистонда биология фанини тараққий эттириш перспективаларига назар солганимизда, биокимё, физиология, биофизика, микробиология ва вирусология, генетика ва цитологияни айниқса жуда тез ривожлантиришга эътибор бериш зарурлиги яққол кўзга ташланади. Бизда илмий-текшириш институтларининг янги асбоб-ускуналар билан тобора кўпроқ жиҳозлантирилаётгани бу фанларни кескин ривожлантириш имкониятини беради.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ўзида яқин йиллар ичида радиобиология, биофизика, биокимё марказлари, сунъий иқлим станцияси, радиология ва рентгенология ҳамда физиология институтлари ташкил этилади. Бу — Программа проектида кўрсатилган вазифаларни жуда тез амалга ошириш учун асосий восита бўлади. Республикада биологиянинг бу соҳаларини юксалтириш медицина ва қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «СССР аҳолисига медицина хизмати кўрсатишни ва унинг соғлиғини сақлашни янада яхшилаш чоралари тўғрисида» қабул қилган қарорида медицина олимларининг кимёгарлар ва биологлар билан ҳамкорликда ўтайдиган вазифалари равшан кўрсатиб ўтилган эди. Унда олимлар олдига турли касалликларни даволашнинг энг қулай ва яхши йўлларини топиш вазифаси қўйилган.

Ўзбекистон биологлари ва медицина олимлари муҳим аҳамиятга эга бўлган бу масалаларни ҳал этиш устида ишлаш билан бирга, маҳаллий, ўлка медицинасига доир масалаларни ҳам қунт билан ўрганишлари, бу соҳада тадқиқот ишлари олиб боришлари лозим. Физиолог олимларимиз ана шу масалалар устида ишлаб, бу соҳада катта муваффақиятларга эришувларига шак-шубҳа йўқ.

Ҳозирги замон микробиологиясини тараққий эттириш ғоят муҳим масалалардан биридир. Микроорганизмлар ҳаётини чуқур ўрганиш натижасида медицина, қишлоқ хўжалиги ва саноат учун зарур бўлган моддалар — антибиотиклар, витаминлар, гормонлар олиш мумкин. Микробиологлар ана шу масалаларни ҳал этишда ижодий ғайрат кўрсатишлари зарур.

Шуни ҳам алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг микробиология соҳасида эришган ютуқларини хўжаликка татбиқ этиш учун республика микробиология препаратлари заводи қуриш зарур. Бироқ завод маҳсулотларининг асосий истеъмолчилари бўладиган республика Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Халқ хўжалиги кенгаши турли баҳоналар билан бу масалани ортга суриб келмоқдалар. Ваҳоланки, заводнинг қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқарадиган маҳсулоти бир-икки йил мобайнида унинг қурилишига сарфланган маблағларни тўла қоплаши мумкин.

КПСС Программаси проектида чорвачиликни бутун чоралар билан юксалтириш вазифаси кескин қилиб қўйилган. Бу — ботаниклар олдига жуда катта вазифалар қўяди. Улар катта яйловларни ўрганиб чиқишлари ва бу яйловларнинг ҳосилдорлигини оширишда тадқиқот ишлари олиб бормоқлари, шунингдек тўйимли ўтларни кўпайтиришда муносиб ҳисса қўшмоқлари зарур. Булардан ташқари, ботаникларимиз республикадаги ўсимликларни пухта ўрганиб чиқишлари лозим, чунки ўсимликлар саноат ва медицинанинг турли соҳалари учун жуда зарурдир.

Зоология ва паразитология соҳасида иш олиб бораётган олимлар олдида ҳам катта вазифалар турибди. Улар зараркунанда ҳашаротларга қарши кескин кураш олиб боришлари, уни йўқотиш учун зарур чоралар кўришлари керак. Шу билан бирга, республика зоологлари Ўзбекистондаги сув манбаларидан комплекс фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқишлари керак. Бу — Ўзбекистонда балиқчиликни, сув паррандачилигини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси проектида қишлоқ хўжалигини юксалтиришда ҳозирги замон фани ютуқларидан кенг фойдаланиш зарурлиги алоҳида қайд қилиб кўрсатилган. Республикамиз биологлари ва кимёгарлари Программа проектида кўрсатилган ана шу масалалар устида жуда катта тадқиқот ишлари олиб боришлари, улар бу соҳадаги ишларини янада унумлироқ давом эттиришлари лозим. Биологлар кимёгарлар билан ҳамкорликда ғўза баргларини тушириш, ҳашаротларга қарши кураш ва ўсимликлардаги турли касалликларни йўқотиш учун зарур бўлган препаратларни ишлаб чиқишда катта муваффақиятларга эришмоқлари зарур. Чунки биология фани зиммасидаги шу масалаларни ҳал этиш — республика қишлоқ хўжалиги олдида турган улуғвор вазифаларни ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Шуни айтиш керакки, Қишлоқ хўжалиги министрлигининг қайта тузилгани ва жуда кўп илмий-текшириш институтларининг унинг ихтиёрига берилганлиги юқоридаги вазифаларни тезроқ ҳал қилиш учун яхши шарт-шароитларни вужудга келтирди. Бу тадбирнинг амалга оширилиши фан ютуқларини қишлоқ хўжалигига тезроқ татбиқ этиш ишини тезлаштиради. Биологлар ва қишлоқ хўжалиги фани ходимларининг асосий вазифалари фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этишдан иборатдир. Бунда пахтачиликни янада юксалтириш, унинг ҳосилдорлигини кескин суратда ошириш олимларимизнинг диққат марказида турмоғи лозим.

Олимлар пахтанинг янги, тезпишар, ҳосилдор, касалликларга чидамли навларини яратишлари, ғўзани озиқлантириш ва суғоришдаги чалкашликларни тугатишда пахтакорларга яқиндан ёрдам беришлари зарур. Шунингдек, улар беда, маккажўхори, шоли ва бошқа экинларни ҳам ривожлантиришда деҳқонларнинг энг яқин кўмакдошлари бўлишлари керак.

Боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш соҳасида ҳам жуда катта масалалар турибдики, бу — олимларимизнинг тинмай тадқиқот ишлари олиб боришларини талаб этади. Тоғли ерлар ва тоғ этакларида боғдорчилик ҳамда узумчиликни ривожлантириш вазифаси бу соҳадаги асосий масалалардан биридир.

Республикамиздаги миллионлаб, ўн миллионлаб камҳосил яйловлар ва ярим яйловлар олимларимизга муштоқ. Улар ана шу яйловларда ҳосилдорликни кўп марта оширишлари керак.

Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишнинг энг муҳим масалаларидан бири ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилашдир. Бироқ, эътироф этиш керакки, Ўзбекистон олимларининг бу соҳада олиб борган ишлари мутлақо талабга жавоб бермайди. Республика олимлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинлари касалликларига, ҳашаротларга қарши кураш соҳасида ҳам ҳали кўнгилдагидек натижага эришганларича йўқ. Халқ хўжалигида салмоқли ўрин тутаётган ипакчилик ва чорвачилик масалаларида ҳал қилиниши зарур бўлган масалалар бор. Булар олимларимизнинг ақл-идрокига муштоқ.

Пахтачиликни комплекс механизациялаштириш, ғўзанинг биологик хусусиятларига қараб пахта теримини машиналаштириш соҳасида биолог-олимларимиз қунт билан ишламоқлари керак. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси проекти шуни тақозо этмоқда. **«Қудратли саноат билан бир қаторда,** — дейилади Программа проектида, — **равнақ топаётган, ҳар томонлама ривожланган ва сермаҳсул қишлоқ хўжалигини вужудга келтириш — коммунизм қуришнинг зарур шартидир».**

Партиямиз Программаси проектида олға сурилган бу улуғвор вазифалар қишлоқ хўжалиги ходимлари билан бирга олимларимиз зиммасига ҳам катта вазифалар юклайди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг олимлари республика қишлоқ хўжалиги олимлари ва шу соҳадаги тажрибакорлар билан қўлни-қўлга бериб, республикамиз қишлоқ хўжалиги олдида турган муҳим вазифаларни ҳал этишда олдинги сафда бормоқлари лозим.

Бутун мамлакат КПСС XXII съезди бўсағасида турибди. Ҳамма шонли партиямизнинг шу тарихий съездига муносиб туҳфа ҳозирлаш иштиёқи билан ёнмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг биолог-олимлари ҳам съезд олди мусобақасига қўшилиб, зиммаларига олган мажбуриятларини бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Улар шонли партия съезди шарафига бир неча илмий тадқиқотларни муддатидан илгари тугатиб, ишлаб чиқаришга татбиқ этишга аҳдлашган эдилар. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун ижодий ғайрат кўрсатмоқдалар. Бир қатор биолог-олимлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларига мувофиқ илмий ишларини нашрга топширмоқдалар.

Барча совет кишилари сингари биолог-олимлар ҳам коммунистик партия Программаси проектини жон-диллари билан маъқулламоқдалар ва улар коммунистик жамиятнинг асоси — коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш учун билим ва тажрибаларини сира аямай, меҳнат қилишга қатъий сўз бермоқдалар. Бу — олимларнинг мамлакатда коммунистик жамият қуриш ишига қўшадиган муносиб ҳиссалари бўлади.

М. БАСЕВИЧ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси биология бўлимининг илмий секретари.

ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

ХОРАЗМ ҲАҚИҚАТИ **«Биз Программа проектини ўқиб, келажакни яққол тасаввур қилиш билан бирга,** — деб бошланади газета саҳифасидан ўрин олган Урганчдаги Ленин номли тикувчилик фабрикасининг ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Ҳ. Зарипованинг мақоласи, — **меҳнаткашларда ҳозирнинг ўзидаёқ коммунистик жамият кишисига хос баъзи хислатлар намоён бўлаётганлигини чуқур ҳис этдик. Бизнинг корхонани олиб кўрайлик. Барчамиз бир оила аъзоларидек яшаймиз; ўзаро иноқлик, меҳрибонлик ишда бизга мадад беради».**

Автор КПСС Программаси проектига маданий-оқартув муассасаларининг фаолиятини янада яхшилаш ҳақида махсус пункт киритишни таклиф этади. **«Чунки,** — дейди у, — **ҳаётимиз, маданиятимиз гуллаб-яшнаган сари маданий-оқартув муассасаларига бўлган талаб ошиб боради, турли маданий юришлар, ўзаро ўртоқлик учрашувлар, коллектив сайр-томошалар кўпаяди»** ўртоқ Ҳ. Зарипова Программа проектига шу ҳақда махсус пункт киритилса, бу муассасаларнинг роли ва таъсир доираси янада кенгайишини таъкидлайди.

ЛЕНИН БАЙРОҒИ Область халқ маорифи бўлими мудирининг ўринбосари С. Асланов **«Ҳамма маълумотли, ҳамма малакали бўлади»** сарлавҳали мақоласида область халқ маорифи органларининг ходимлари КПСС Программаси ва Устави проектларини пухта ўрганаётганликларини таъкидлаб, мактабнинг турмуш билан, ҳаёт билан боғланишини мустаҳкамлашда бу тарихий ҳужжатларнинг аҳамиятини кўрсатади.

«Мактабларимизда ўқувчиларга 15 дан зиёд касб ўргатилди, — деб ёзади автор, — **янги ўқув йилидаги касбларнинг тури 20 дан ошади».**

Автор Программа проектида жисмоний ва эстетик тарбия масалаларига кўпроқ ўрин берилишини сўрайди. Бунга сабаб шуки, **«бундан кейин ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш турмуш билан, унумли ва фойдали меҳнат билан янада мустаҳкам боғланади».**

МЕҲНАТДА ТОБЛАНГАН ЙИГИТ

КПСС XXII СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ

Пўлат излардан бўш вагонларни тиркаб келаётган паровоз, экскаватор машинисти ишлаб турган жойда қадалиб тўхтади.

Паровоз машинисти ўртоқ Удалов кабинадан тушар экан, экскаватор машинистидан:

— Қани, «қора олтин» тайёрми? — деб сўради.

— Биз доим тайёр-у, сизлар улгурмаяпсизлар, — деди экскаватор машинисти ва машина чўмичини «қора олтин»га тўлдириб, бўш вагонларга орта бошлади. Орадан икки ярим соат ўтгач, составдаги 11 вагонга кўмир юкланди.

Ёқилғи ортилган состав Оҳангарон темир йўлининг Ўнг қирғоқ станцияси томон йўл олди. Экскаватор машинисти Алиқулов иккинчи состав келгунича ўз иш жойини экскаватор стреласи остига тушган тош ва бўш тоғ жинсларидан тозалади. Машинанинг барча механизмларини синчиклаб кўздан кечирди.

Иккинчи паровознинг овозини эшитган экскаваторчи кабинага чиқиб, қат-қат бўлиб турган кўмир бағрига чўмич ура бошлади.

Паровоз машинисти составни экскаватор рўпарасига олиб келгач:

— Қойилман, сизнинг сменангизда ишласам, роҳат қиламан, вақтим зое кетмайди, нормани ҳам ошириб бажараман,— деди миннатдор оҳангда.

— Смена нормаларини ошириб бажариш ҳаммамизнинг асосий бурчимиз, — деди экскаватор машинисти ва вагонларга шиғаб ёқилғи орта бошлади.

Экскаватор машинисти бу гал 2 соату 40 минут ичида 12 вагонга кўмир юклади ва ўша куни смена нормасини 138 процент бажарди. У, нормадаги 1000 тонна ўрнига 1.380 тонна кўмир ортди.

— Шу қутлуғ кунларда бригадангиз эришаётган ютуқлар ҳақида гапириб берсангиз, — илтимос қилдик ўртоқ Алиқуловдан.

— Кеча съезд шарафига олган мажбуриятимизнинг қандай бажарилаётганига якун ясадик. Мен ишлаётган ўртоқ Николай Хорошилов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзоларининг ҳаммаси ҳам съезд очиладиган кунгача мўлжаллаган мажбуриятни 1 сентябрдаёқ ошириб бажарди.

— Сиз ҳам мажбуриятингизни бажаргандирсиз, — сўрадик ундан.

— Албатта. Дўстларимдан орқада қолсам, уят бўладику, — кулги аралаш деди у.

Оҳангарон шаҳридаги коммунистик меҳнат корхонаси номини олиш учун курашаётган кўмир разрезининг донгдор экскаватор машинисти, шаҳар Советининг депутати, коммунист Хўжа Алиқулов коллективнинг ҳурматига сазовор. Хўжа ака 1947 йилда Оҳангарон шаҳридаги кон-техника билим юртининг экскаватор машинистлари тайёрлаш бўлимини муваффақиятли тамомлаб, дастлаб экскаватор машинисти ёрдамчиси бўлиб ишлади. У, кекса экскаватор машинистларининг тажрибасини қунт билан ўрганди, назарий билимини амалий ишга боғлаб олиб борди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас корхона раҳбарлари уни экскаватор машинисти вазифасига ўтказдилар. Ўртоқ Алиқулов ана шундан буён шу вазифада ишлаб келмоқда.

Энди у ўзи тарбиялаган шогирдлар билан ҳам фахрланса арзийди. Улардан Қаюмов, Носиров ўртоқлар сингари кўплаб ёшлар смена топшириқларини 120-125 процентдан адо этаётирлар.

Ўртоқ Алиқулов муваффақиятларининг сири шундаки, у экскавация циклини нормадаги 35 ўрнига 16-17 секундга келтирди, бу эса иш унумдорлигини 2 баравар ошириш имконини берди. Бундан ташқари, машинанинг жорий ва капитал ремонтларини ҳам ўзи бажаради.

Оҳангарон шаҳар партия конференцияси донгдор экскаватор машинистини Тошкент область партия конференциясига делегат қилиб юборган эди. Тошкент область партия конференцияси ўртоқ Хўжа Алиқуловни КПСС XXII съездига делегат қилиб сайлади. Бу ҳурмат ва ишончга жавобан Алиқулов съездга муносиб совға ҳозирламоқда. Шу кунларда ноябрь ойи ҳисобидан кўмир қазиб ортаётир.

— Съездни йиллик топшириқни бажариш билан кутиб олишга аҳд қилганман, — дейди у.

Донгдор экскаватор машинисти ўз сўзининг устидан чиқади.

И. АҲМЕДОВ.



Суратда: ўртоқ **Х. АЛИҚУЛОВ.**
В. Баскаков фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Буюк ҳужжатдан руҳланиб

Бутун совет кишилари сингари Тахтакўпир районининг меҳнаткашлари ҳам КПСС Программаси проектини зўр қониқиш билан кутиб олдилар ва бу ҳужжатни қизғин муҳокама қилмоқдалар. КПСС Программаси проектини ўрганиш ҳамма ерда меҳнаткашларнинг сиёсий активлигини ошириб юбормоқда, янги ижодий ишларга сафарбар этмоқда.

КПСС Устави проектида қуйи партия ташкилотларининг, хусусан бошланғич партия ташкилотларининг вазифалари конкретлаштирилиб, ҳуқуқлари кенгайтирилган Устав проектининг 58-параграфида бундай дейилади: **«Бошланғич партия ташкилоти ўз фаолиятида КПСС Программаси ва Уставига амал қилади. У меҳнаткашлар ўртасида бевосита иш олиб боради, уларни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг теварагига жипслаштиради, оммани партия сиёсатини амалга оширишга, коммунизм қуриш учун курашга сафарбар қилади».** Устав проектига киритилган бу ва бошқа ўзгаришлар партиянинг сиёсий ва ташкилотчилик ролини янада оширишга, ҳар бир коммунистнинг авангардлигини кучайтиришга қаратилгандир.

Районимиз меҳнаткашлари КПСС XXII съездини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашиб, бу йил мамлакатга 19 минг тонна пахта, 1800 тонна гўшт, 2970 тонна сут, 263 тонна жун, 1 миллион тонна тухум, 23 минг дона қоракўл тери бериш мажбуриятини олганлар. Совхозлар ҳозирдаёқ қоракўл тери, пилла, гўшт ва тухум сотиш планларини ошириб бажардилар. Сўнгги икки йил ичида пахтанинг ялпи ҳосили 2810 тонна, сут 807 тонна, гўшт 834 тонна кўпайди.

Сўнгги пайтда район партия ташкилотида ленинча коллегиал раҳбарлик принципи янада мустаҳкамланди. Натижада бюро томонидан қабул қилинадиган қарорлар муҳим ва ҳаётий бўлиб, улар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Коммунистлар хўжаликлар раҳбарлигига мутахассис кишиларни қўйишни таклиф этган эдилар. Бу таклиф қабул қилинганидан кейин ўтган қисқа вақт ичида бу соҳада кўпгина ишлар қилинди.

Шундай бир мисолни келтириш ўринлидир. «Москва» совхози партия ташкилотининг собиқ секретари У. Юсупов партиявий-ташкилий ишни эплай олмагани учун вазифасидан бўшатилди. Совхоз 1960 йил планини бажара олмади. Шунингдек, қора моллар туёғини ошириш, пилла етиштириш плани ҳам барбод берилди. Бунинг сабаби — ўтган йили ем-хашак етарли жамғарилмаганлигида эди. Бу совхоз мутахассис кадрлар билан мустаҳкамлангандан кейин иш юришиб кетди.

Партиямиз коммунистларни ҳалол, ростгўй бўлиш, партия, давлат манфаатларини ҳар нарсадан устун қўйиш руҳида тарбияламоқда. Афсуски айрим ходимлар ҳали ҳам давлатни алдаш каби ярамас ишлар билан шуғулланмоқдалар. Масалан, район матлубот кооперациясининг раҳбарлари М. Ўринбоев, С. Бекеновлар товар обороти планини ошириб бажарилгани ҳақида қалбаки маълумот бердилар. «Союзпечать» район бўлимининг бошлиғи Алменов газета учун тўпланган пулни ўзлаштириб юборди.

Мана шу фактлар район партия комитетининг бюросида муҳокама қилиниб, айбдорлар қаттиқ жазоландилар. Шу йил давомида давлатни алдаш ва кўзбўямачилик фактларига йўл қўйган 11 киши партия йўли билан жазо олди.

КПСС Марказий Комитетининг 1959 йилдаги маъмуриятнинг хўжалик фаолиятини контроль қилувчи комиссиялар тузиш тўғрисидаги қарори энг оқилона тадбир эканлигини турмуш тўла тасдиқлади. Мазкур қарорга кўра, районимизда 18 партия контроль комиссияси тузилиб, улар составига 84 коммунист сайланди. Бу комиссиялар совхозларнинг ва кооператив органларининг фаолиятини чуқур анализ қилиб, мавжуд камчиликларни очиб ташламоқдалар ва уларни тугатишда изчил иш олиб бормоқдалар.

Масалан, «Тахтакўпир» совхози, маҳаллий саноат комбинати ҳузурида тузилган партия контроль комиссиялари олдиндан тузилган план асосида ишламоқда. Комбинатда шу йилнинг етти ойлик топшириғи 117.5 процент бажарилди. Коллектив аъзолари партия XXII съезди очиладиган кунгача 11 ойлик планни, Улуг Октябрнинг 44 йиллиги кунигача эса йиллик планни бажаришга аҳд қилган. Коллективнинг бу ватанпарварлик ҳаракатида партия контроль комиссияси аъзоларининг ҳам маълум ҳиссаси бор.

Партия Устави проектида партия органларининг состави мунтазам суратда янгиланиб туриши юзасидан айтилган гаплар жуда ҳам тўғридир. Бу тадбирлар ленинча коллектив раҳбарлик принципини янада ривожлантиришга ёрдам беради. Бошланғич партия ташкилотларининг ҳисоботсайлов йиғилишларида ва район партия конференциясида раҳбар органлар состави ана шу кўрсатма асосида янгиланди. Раҳбар органларга билимдон, ишчан ва ёш коммунистлар келдилар. Улар партия ташкилотларининг жанговарлик ролини янада оширишларига ҳеч шубҳа йўқ.

КПСС Устави проектида партия аппаратининг структураси муттасил ихчамлаштириб борилиши лозимлиги айтилган. Биз бу кўрсатмага амал қилиб райком аппаратини 13 кишига қисқартирдик. Агар собиқ Қораўзак районида партия ва совет аппаратида 66 киши ишлаган бўлса, ҳозир ҳар икки район бирлаштирилгандан кейин ана шу ходимларнинг ярми ишлаяпти.

Программа ва Устав проектларида партия ишларига коммунистларни жамоатчилик иши тартибида қатнаштириш зарурлиги айтилади. Биз ҳозирданоқ шу асосда 21 штатсиз инструктор лавозими таъсис этдик. Улар партия ташкилотларида астойдил иш олиб бормоқдалар.

Янги Устав проектида партия аъзоларининг ҳуқуқ ва вазифалари тўла кўрсатилган. Унда партияга аъзо бўлиб кирувчилар бир йиллик кандидатлик стажини ўташлари лозимлиги кўрсатилади. Демак, партия аъзолигига кандидат кандидатлик муддати тугагандан кейин партия аъзолигига ўтиши лозим. Е бўлмаса кандидатликдан чиқариб юборилади. Ҳозирги вақтда район партия ташкилоти ҳисобида партия аъзолигига кандидатлардан 93 киши бор. Улардан 7 кишининг кандидатлик муддати ўтиб кетган. Райком бюросининг қарори билан 4 кишининг кандидатлик муддати 6 ойга узайтирилган. Бундай факт «Тахтакўпир» ва Калинин номли совхозларда мавжуд. Бу шуни кўрсатадики, мазкур совхозларнинг партия ташкилотлари ёш коммунистлар билан ишлашни унутиб қўйганлар.

Биз бу камчиликларга тезда хотима берамиз.

Замонамизнинг буюк ҳужжатларидан руҳланган районимиз меҳнаткашлари коммунизм қуриш программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш ҳисси билан тўлиб-тошганлар. Ҳозир бошланғич партия ташкилотлари ўз фаолиятларига танқидий нуқтаи назардан баҳо бериб, келгусида қиладиган ишларини аниқ белгилаб оляптилар. Бу соҳада улар жанговар қурол — КПСС Программаси ва Устави проектларида кўрсатилган тадбирларни амалга ошириб, районимиз меҳнаткашларини коммунизмнинг муҳташам биносини қуришга сафарбар этадилар.

К. ТОИРОВ,
Қорақалпоғистон АССР, Тахтакўпир район партия комитетининг секретари.



Чирчиқ электр машиналари заводи коллективи трансформатор подстанцияларининг янги нусхасини ишлаб чиқарди. 1000 киловольт ампер кучга эга бўлган бундай машиналарнинг дастлабки группаси металлургия заводларига жўнатилди.

Суратда: трансформатор цехининг мастери коммунист Э. Муждабоев ва йиғувчи слесарлар коммунистик меҳнат бригадасининг раҳбари А. Сосновский ўртоқлар янги маҳсулотнинг сифатини текшириб кўрмоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

Агитмашина йўл олди

Самарқанд областида пахта йиғим-терими кун сайин кучайтирилаётган бир пайтда область Халқ ижодиёти уйи коллективи пахтакорларга маданий хизмат кўрсатиш мақсадида махсус агитбригада тузди.

Агитбригада составида бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари, лекторлар, рассомлар, кутубхоначилар бор. Улар Булунғур, Жомбой районларидаги колхозларда бўлиб, КПСС Программаси ва Устави проектлари тўғрисида лекциялар ўқидилар, пахтакорларга концертлар қўйиб бердилар. Шунингдек, агитбригада коллективи Ғаллаорол, Жиззах ва Зомин район меҳнаткашларига ҳам маданий хизмат кўрсатдилар.

А. АЗОВСКИЙ.

МЎЛЖАЛДАГИДАН ЗИЁДА

Маккажўхоридан мўл ҳосил олиш учун астойдил меҳнат қилган Мелибой Маматқулов бошлиқ бригада коллективи хўжалик йилини муваффақиятли якунламоқда. Фрунзе районидаги Калинин номли совхозда пешқадам ҳисобланган бу бригадада ҳозирги пайтда 82 гектар ернинг ҳар гектаридан ўртача 1042 центнердан кўкпоя ва уруғлик учун ажратилган майдонларнинг гектаридан 52 центнердан дон олинмоқда. Бригадада ҳосили батамом йиғиштириб олинган майдонларга такрор маккажўхори экилиб, яхши парвариш қилинаётир. Унинг ҳар гектаридан кам деганда 300 центнердан кўкпоя олиш мўлжалланмоқда.

Худди шунга ўхшаш Ҳасанбой Ўтбосаров ва Эргашали Маматхўжаев ўртоқлар бошлиқ маккажўхорикорлик бригадалари ҳам ҳар гектар ердан ўртача 850-900 центнердан кўкпоя ва 45-50 центнердан дон йиғиштириб олмоқдалар. Совхоздаги 726 гектар маккажўхори ва оқжўхори майдонларининг ҳаммасида мўлжалдагидан зиёд ҳосил кўтарилмоқда.

Маккажўхоридан юқори ҳосил олинаётганлиги натижасида силос бостиришда ҳам яхши натижалар қўлга киритилмоқда. Совхоз коллективи йил бошида нуқул маккажўхори ва оқжўхоридан 9889 тонна силос бостиришга қарор қилган эди. Кейинчалик маккажўхори ва оқжўхоридан партиямизнинг XXII съезди шарафига 16 минг тонна силос бостириш юзасидан оширилган мажбурият қабул қилинди. Ҳозир ана шу юксак мажбуриятни шараф билан бажариш учун астойдил ҳаракат қилинмоқда.

Совхозда мўл ҳосил жадал суръат билан йиғиштириб олинаётир. Бу ишда 4 та комбайн, 6 та силосорезка, 26 та автомашина билан тракторга тиркаб ишлатиладиган 11 та прицепдан фойдаланиляпти. Совхоз ишчиларидан 82 киши кўкпоя ташиш, силосни чуқурларга шиббалаш ишлари билан шуғулланмоқда. Бу соҳада Эгамберди Умматов, Турғунбой Бурхонов, Турсунали Анорқулов сингари механизаторлар ва Йигитали Абдуллаев, Ортиқбой Тожибоев, Ибодатой Усмонова, Абдураҳим Тўйчиев, Ҳамиджон Шамсиддинов каби ишчилар ташаббус кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Маккажўхорикорлар ва барча чорвадорларнинг партиямиз Программаси проектидан руҳланиб, чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш соҳасида қилаётган самарали меҳнатлари натижасида ҳозиргача совхоз 9270 тонна силос бостирди. Бу ерда ҳали йиғиштириб олинмаган маккажўхори ва оқжўхори анчагина бор. Коллектив ҳосилнинг қолган қисмини ҳам тез кунда йиғиштириб олиб, юксак мажбуриятни съезд очиладиган кунгача тўла бажариш учун янада астойдилроқ ҳаракат қилмоқда.

Т. МАҲМУДОВ.





1. Любовь Ли бошлиқ бригада даласида «дала маликаси» бу йил айниқса баравж бўлди ва мўл-кўл ҳосил олинди. Донгдор маккажўхорикор гектаридан думбул сўтаси билан 2030 центнердан силосбоп кўкпоя олишга муваффақ бўлди. Шу билан бирга уруғлик участкасида ҳосил айниқса мўл бўлди. Суратда: Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг машҳур маккажўхорикори Любовь Ли келгуси йилда экиладиган маккажўхори уруғларини текшириб кўрмоқда.

2. Ўрол Қурбонов Самарқанд областидаги «Қизил чорвадор» совхозининг атоқли чорвадорларидан бири. У 2-паррандачилик фермасида ишлайди. Моҳир паррандабоқар товуқлардан тобора кўп тухум олмоқда.

Д. Хўжаева фотолари.

ШОВҚИН-СУРОН ПРОЦЕНТНИ ОШИРМАЙДИ

Ғўза барглари-даги марварид томчилар ҳали қуримай туриб, эрта тонгда этак боғлаган оддий теримчилар аллақачон 3-4 этакдан пахта териб бўлишган бир пайтда колхоз қишлоғи кўчаларида шовқин-сурон, чанг-тўзон кўтарилди.

Мотоциклли, велосипедли, ҳатто «Победа» ва «Москвич»ларга тушган кишилар дала тарафга жўнаб қолишди.

— Ким бўлдийкин булар, бирор ёққа тўй-томошага кетишяптими ё? — сўрадик таажжубланиб район партия комитетининг ходимларидан.

— Ҳе, хабарингиз йўқми, булар гвардиячилар. «Меҳнат роҳат» колхозининг активларидан, идора ходимларидан тузилган зарбдорлар шулар бўлади. Қўлларидаги алвонга ҳам шунақа деб ёзиб қўйилган. Колхозда уларни теримга чиқаришга катта тайёргарлик кўрилган.

Дарҳақиқат, тайёргарлик зўр экан. Буни далага чиққандан кейингина билдик.

... Колхознинг Масис Хуррамова бошлиқ бригадаси. Мотоцикл ва велосипедлар изидан борсангиз ғўзани эзиб, пайхон қилиб кетган «гвардиячилар»ни адашмай топа оласиз. Улар миниб келган «аргумоқ»ларини эҳтиёт қилиб, ғўзага ёткизиб қўйишган. Пахтазорга назар солсангиз ҳалиги шовқин-сурон кўтарганларнинг ярмиси ҳам кўринмайди. Борлари ҳам нима қиляпти денг? Кимдир чўнтагига, унинг шериги қўйнига, тағин биров газетага пахта теряпти...

Буни қаранг «гвардиячилар» жанга кирганда — теримга тушганда керак бўладиган этак тўғрисида ўйлашмабди-ю, ҳали улар далага етиб келмасданоқ ўша «гвардиячилар»га керак бўладиган қошиқ-чўмич, чойнак-пиёла, қозонтовоқ аллақачон муҳайё қилиниб, ҳатто қўй ҳам сўйилибди.

Шийпон ёнидаги дарахтга бўрдоқи қўй гўшти нимтак-нимтак қилиб осиб қўйилган. «Гвардиячи»лардан 5-6 киши карт думба билан жигар ва иштаҳани қўзғатадиган гўшт тезроқ пишишини пойлаб, қозон-товоқ атрофида парвона. Улардан битта-яримта шошқалоқроғи ширакайф бўлиб олгани сергаплигидан билиниб турибди.

— Ҳорманглар, азамат гвардиячилар, — деди улар ёнига келган райком секретари ўртоқ Давлат Алибоев.

— Ҳорманглар зарбдорлар, — деди раис райком секретари кетидан.

— Бор бўлинглар, — дейишди пахта тераётган колхозчиларнинг ўрнига ҳам қозон бошидаги бакавуллар.

Райком секретари пахтазор оралаган бўлса ҳам «хўжа кўрсин» учун ташкил қилинган «гвардиячилар»нинг иши билан тузукроқ қизиқмади. Агар ўртоқ Алибоев бригадада теримнинг ташкил қилиниши билан чуқур танишганида, мана бу фактлардан тегишли хулоса чиқариб олар эди, албатта.

Хўш, райком секретари нималарни кўрмади? Аввало, у «гвардиячилар» келади деган овоза тарқалиши биланоқ, ўртоқ Хуррамова бошлиқ бригада аъзоларидан 17 киши «қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди» деб ўша куни теримда қатнашмаганини сезмай қолди, битта табелчининг учта ўринбосари борлигини, уларнинг тўртови ҳам пахта термаётганини пайқамади. Боз устига кампир, саҳархез оддий колхозчилар тушгача 60-70 килограммдан пахта терган бир дамда, кун бўйи қуюқ маштабдан бўшамай ғўрға 10-12 килограммдан пахта терган бунақангги «гвардиячилар»нинг кераги йўқ деб айтмади. Пахта теримида колхозчиларга ҳақиқий ёрдам кўрсатишни маштабозликка айлантирмай юбориш практикасини қаттиқ қораламади. Шу билан бирга, колхоз далаларининг ҳақиқий қаҳрамонлари, эрта тонгдан кеч қорайгунча ҳормай-толмай пахта тераётган кишиларга зарур маданий-маиший шароит яратиб бериш кераклиги ҳақида ўйламади. Ахир, бригадада «колхозчиларнинг ўзи истамаяпти» деган баҳона билан қозон осилмай қўйилган-ку, нега теримчиларга вақтида чой қайнатиб берилмайди, қайнатилган сув яхна қилиб қўйилмайди. Ахир, колхоз активлари келди дегунча дарҳол ҳамма нарса муҳайё бўлдиқолди-ку!

Ҳайбаракаллачилик, ҳақиқий иш ўрнига шовқин-сурон, тўс-тўполон кўтариш ҳолларини Жарқўрғон районидаги бошқа колхозларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, Ленин номли колхознинг пахта терими учун кўмакка келган «гвардиячи»лари шарафига бир кунда колхознинг 2 та семиз қўйи сўйилиб қовурма, қайнатма шўрва ва палов ҳозирланди.

Шуниси қизиқки, «гвардиячилар» яшлаган бригадада махсус қозонда пиширилган мазали таомлар билан сийланмаган оддий колхозчиларнинг ҳар бири 120-150 килограммдан пахта тергани ҳолда, бир кунда 2 та қўй еган «акамлар» кечгача хирмонга аранг 18-20 килограммдан пахта тўкиши, холос. Бошқача қилиб айтганда «гвардиячилар» терган пахтанинг пули улар қилган маишатнинг ўндан бирини ҳам қопламайди. Бунинг устига, колхоз чорвасига етказилаётган зарарни айтмайсизми?!

Жарқўрғон райони шу кеча-кундузи йиллик планнинг 1,6-1,7 процентини миқдорида пахта тайёрлаяпти. Агар бу районда ишга яроқли барча кучлар далага сафарбар этилса, фақат шу билан кифояланмай, ҳар бир кишининг нормани тўла ва ортиғи билан бажариши таъминланса, хирмонлардаги, шийпонлардаги бекорчи хўжаларнинг ҳам, бригада бошликлари ва табелчиларнинг ҳам бевосита пахта териши таъминланса, гвардиячиларнинг ҳақиқий меҳнат зарбдорларига айлантирилса, ўшанда ҳар куни йиллик планнинг 3-4 процентини миқдорида пахта тайёрлаш мумкин.

Терим даврида меҳнатни уюштириш Шўрчи районидаги Ленин номли колхозда айниқса ёмон. Колхозда йиллик план энди 16 процент бажарилди. Бу ерда қанча киши пахта тераётганлигини, ишга яроқли қанча киши борлигини ҳатто колхоз раиси Ҳ. Номозовнинг ўзи ҳам билмайди. Оқибатда колхозда ишга яроқли 1073 кишидан бор-йўғи 270 киши теримга жалб қилинган. Шу колхозда ишга яроқли қанча киши борлигини аниқлаш учун район ва область партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари бир кун эртадан-кечгача овора бўлишди.

Ангор районида 6000 киши ўнигa бор-йўғи 4000 киши этак боғлаб пахта теряпти. «Қизил юлдуз», Ленин номли, Куйбишев номли колхозларнинг раҳбарлари терим даврида сусткашлик қилмоқдалар. Бу хўжаликларда ишга яроқли кучларнинг кўп қисми теримга сафарбар этилмаган. Мисол учун «Қизил юлдуз» колхозида 872 кишидан 520-600 киши, Ленин номли колхозда 992 кишидан 700-710 киши пахта теряпти. Меҳнат унумдорлиги ниҳоят паст. Теримчилар далага кеч чиқиб, барвақт қайтишга одатланиб қолишган. Бригада бошлиқлари колхозчилардан кундалик топшириқни бажаришни қаттиқ талаб қилмайдилар. Соатлик график номига бор, холос.

Куйбишев номли колхознинг Абдураҳмон Оллоназаров бошлиқ бригадасида кейинги бир кунда 46 кишидан фақат 30 киши теримга қатнашди. Шулардан эрталаб соат 7,5 да фақат 9 киши, соат 8 да 11 киши, қолганлари ундан ҳам кечикиб ишга чиқди. Бригадирнинг ўзи ҳам, табелчи ҳам, хотинқизлар билан ёнма-ён туриб пахта теришга қурби етадиган, лекин хирмон атрофидаги енгил-елпи иш билан куйманиб юрган 7-8 киши ҳам пахта термайди. Шунинг учун бригадада графикнинг аҳамияти ярми ҳам бажарилмаяпти.

«Қизил юлдуз» колхозида нормадаги 80 килограмм ўрнига кунига киши бошига 38 килограммдан пахта терилмоқда. Қишлоқ хўжалик артелида Шомир Мусаев деган киши бор. У колхознинг барча ноз-неъматларидан ҳалол ишлайдиган кишилар билан баббаравар баҳраманд бўляпти-ю, аммо пахта теримига келганда ўзи ҳам, оила аъзоларидан Яраш, Ҳумор ва Ҳожар Шомировалар ҳам ишга қатнашмаяпти.

Меҳнатни ташкил қилишда интизомсизлик, ҳайбаракаллачилик, кўзбўямачилик, ваъдабозлик Сурхондарё областида терим суръатини кескин кўтаришдек муҳим ишнинг белига тепяпти.

Косон, Бешкент, Қарши районларида графикда белгиланган кишиларнинг қарийб тенг ярми шундай долзарб кунларда ҳам этак боғлаб далага чиқмаяпти. Бу районларда 1000дан ортиқ қишлоқ коммунистларидан атиги 370 киши, Косон районида 450 коммунистдан 156 киши теримда қатнашаётгани мисол бўла олади.

Талабчанликнинг йўқлиги, меҳнат интизомининг бўшлиги шунга олиб келдики, пахта чаман-чаман очилган ҳозирги пайтда ҳам ана шу районларда ҳар бир теримчининг ўртача меҳнат унумдорлиги 20-25 килограммдан ошмаяпти. Мазкур районларда колхоз активларининг, хусусан раисларининг, қишлоқ Совети раисларининг, колхоз партия ташкилотлари секретарларининг, булардан «ибрат» олган омборчи, бригадир ва табелчиларнинг оила аъзоларидан кўпчилиги пахта теримидан четда қоляпти.

Сурхондарё области бу йил мамлакатнинг катта хирмонига 400 минг тонна «оқ олтин» топшириши керак. Ана шу мажбуриятни тўла ва ортиғи билан таъминлайдиган ҳосил далада бор.

КПСС XXII съезди шарафига умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган сурхондарёликлар попликлар, андижонликлар чақиригига жавобан пахта тайёрлаш йиллик планини байрамгача бажарамиз, съезд очиладиган кунгача йиллик планни камида 76,5 процентга етказамиз деб сўз беришди.

Лекин, республикада пойганинг олдида бораётган Сурхондарё области биринчиликни Андижон областига бериб қўйди. Агар терим шу тахлитда борадиган бўлса, хоразмликлар ҳам, самарқандликлар ҳам, фарғоналиклар ҳам Сурхондарёни ортда қолдириб кетишлари мумкин.

Сурхондарё мавсум бошланганидан буён бирор кун ҳам йиллик планнинг 2 процентига етказиб пахта тайёрламади. Областда теримга ажратилган кучлардан ҳар куни камида 14-15 минг киши четда қоляпти. Кейинги бир кунда областда ҳар бир теримчи ўрта ҳисобда 45 килограммдан пахта терди.

Областда 45 минг тонна пахта машинада териб олиниши керак. Колхоз, совхозларда 720 та қўлратли терим агрегати бор. Ҳозир шундан 177 тасигина теримга тушиб, ҳаммаси бўлиб машинада 673 тонна пахта терилди. Ёки машинада пахта териш мажбурияти энди 1,5 процент бажарилди, холос.

Область партия комитети билан область ижроия комитетининг яқинда бўлиб ўтган кенгайтирилган бюросида йиғим-терим масаласи кўрилди. Ишни яхшилашга қаратилган қарор ҳам қабул қилинди. Бироқ шундан кейин ҳам суръат кескин равишда жадаллашгани йўқ.

Сурхондарё областининг шошшуҳратини ошириш учун қуруқ шовқин-сурон, қарорбозлик ўрнига терим суръатини амалда кучайтириш керак. Бунинг учун ишга яроқли барча кучлар этак боғлаб пахта теришини, кунлик нормaнинг тўла ва ортиғи билан бажаришини, ҳар бир терим агрегатининг яхши ишлашини таъминлаш керак. Пахта далаларида чинакам гвардиячи-зарбдорлар сафини кенгайтириш лозим.

А. ХАЛИЛОВ,
Ҳ. НУРИДДИНОВ.
«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбирлари.

Ҳар Тўғрида БИР ШИНГИЛ

⊙ Урганчдаги 167-қурилиш трести коллективи шаҳар ўқувчилари учун 520 кишилик мактаб-интернат биносини қурди.

М. СУЛТОНОВ.

⊙ Қўқондаги Абдулла Набиев номли ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари тракторни бошқаришни ўрганиб олдилар.

А. МИРСАИДОВ.

⊙ Бухорода ўтказилган китоб ойлиги намунали якунланди. Китоб магазинлари август ойи планини 125-130 процент қилиб бажардилар.

Э. НУРСАИДОВ.

⊙ Хоразм область, Янгиариқ район кутубхоласининг китоб фонди ва китобхонлари тобора кўпаймоқда. Кутубхонадаги 24 мингга яқин китобдан мингдан ортиқ китобхон мунтазам фойдаланяпти.

Б. РОЗИҚОВ.

⊙ Яқинда А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг студентлари Тошкентда бўлиб ўтган медиклар халқаро форумининг қатнашчиси, академик К. И. Скрябин билан учрашдилар. Учрашув маромли ўтди.

А. САЛОМОВ.

⊙ Ванновси нефтни қайта ишлаш заводи клубида музиқачилар тўгараги ташкил этилиб, унда ишчилар-нинг болалари турли музика асбобларини ўрганмоқдалар.

З. МАЛЛАБОЕВ.

⊙ Пахтакорларга яхши хизмат кўрсатиш мақсадида Чиноз районидаги Эски Тошкент қишлоқ Совети кутубхонаси 18 та кўчма кутубхона ташкил қилди.

Я. УРИНБОЕВ.

⊙ Косон районидаги Киров номли участка касалхонаси меҳнаткашлар га намунали хизмат қиляпти. Яқинда бу ердаги ўринлар сони яна 10 тага кўпайтирилди.

Х. ҲАЙДАРОВ.

⊙ Халқ соғлиғи — юрт бойлиги. Қарши шаҳар медицина билим юрти қошида соғлиқни сақлаш университети ташкил этилди. Унинг машғулотларида медицинага доир лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда.

Н. ҲАЗРАТҚУЛОВ.



БУХОРО ОБЛАСТИ. Ромитан районидаги Сталин номли колхоз аъзоси Мукаррам Фузайлова бу йил «эшгори кема»ларга миниб пахтазор денгизида сузадиган областдаги 150 қиз-жувонинг биридир. У энг яхши механизаторлардан ибрат олиб, мавсумда 230 тонна «оқ олтин» тераман деди. Машина теримига ҳамма нарса аллақачон тахт қилиб қўйилган. Ёш механизатор ўз агрегатини теримга ажратилган участкага олиб келди. СУРАТДА: комсомол аъзоси Мукаррам ФУЗАЙЛОВА.

В. НУДЛЕР фотоси
(ЎзТАГ фотохроникаси).

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАТЛАРИ ИЗИДАН

ТЕКИНХЎРЛАРГА „ХУДОЙИ“

14-участка комитети раиси Ҳамзахон Маҳмудов Муқимий, Гоголь, Самарқанд, Марҳамат, Матбуот, Амин Умарий ва бошқа бир қанча маҳаллалардан кишиларни чойхонага тўплаб ваъзхонлик қилди:

— «Мўйборак» қабристонида худойи ўтказмоқчимиз, аҳолидан бир-икки сўмдан пул тўплашга тўғри келиб қолди.

Йиғинга тўпланганларнинг кўпи бирон жойда ишламай текинхўрлик билан кун кечираётган кишилар эди. Улар комитет раисининг сўзини илиб олдилар-у уйма-уй юриб, пул йиға бошладилар. Улар пул бермаган ҳовлининг туйнигини бузиб бўлса ҳамки, пулни ундирдилар, йиғилган пулга қўй гуруч, мевалар олинди. Ўша кўни Қўқон шаҳар умумий овқатланиш бўлимининг новвойи Рафиқ Иброҳимов бу маросим учун нон ёпиб бериб аҳолига нон сотмади.

Чоршанба куни «Мўйборак» қабристонида «худойи» баҳонасида йиғин бўлди. Бунга бирон жойда ишламаган текинхўрларгина қатнашиб халқдан йиғилган пул ҳисобига ўзларини зиёфат қилдилар. Ана шу ҳақда редакциямизга келган хат текшириш учун Қўқон шаҳар партия комитетига юборилган эди. У ердан хабар қилинишича, ўтказилган, текшириш натижасида хатда келтирилган фактлар тасдиқланган. 14-участкага қарашли маҳалла аҳолисининг умумий мажлисида текшириш якуни муҳокама қилиниб, сўзга чиққан кишилар «худойи»ни уюштирган кишиларни, шу жумладан Маҳмудовни қаттиқ танқид қилганлар. Мажлис қарори билан Маҳмудов участка комитети раислигидан олиб ташланган.

Шаҳар партия комитети маҳаллалардаги аҳоли ўртасида илмий-атеистик пропагандани кучайтириш юзасидан амалий тадбирлар белгилаган.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„ВАЪДАГА ВАФО ҚАНИ“

Самарқанд шаҳридаги Инқилоб, Термиз, Андижон, Ютуқ каби бир қанча маҳаллаларнинг аҳолиси водопровод қуриб беришни талаб қилиб, шаҳар водопровод бошқармасига бир неча йилдан бери қатнайдилар. Доим «Планга киритилган», «бажарилади» деган қоғоқоп ваъдаларга ишониб қайтадилар. 1961 йилнинг ярми ҳам ўтди. Ҳали ҳам ўша ваъда, ҳамон водопроводдан дарак йўқ.

Газетада шу сарлавҳа остида босилган материалда юқоридаги фактлар келтирилган эди.

Самарқанд шаҳар Советидан бу ҳақда редакцияга қуйидагилар хабар қилинди:

Шаҳар водоканал трестининг ҳш фаолияти шаҳар Совети ижроия комитети йиғилишида муҳокама қилинди. Уз вазифасини эплай олмаган ва меҳнаткашларнинг шикоят ва талабларига эътиборсиз қараган водоканал трестининг бошқарувчиси Харламов вазифасидан бўшатилди.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг сессияси

Тошкентда меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг сессияси бўлиб ўтди.

Депутатлар 1960-61 ўқув йилининг якунлари ва мактабнинг турмуш билан боғланиши ҳамда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш тўғрисидаги Қонунининг бажарилиши юзасидан областдаги маҳаллий Советларнинг вазифаларини муҳокама қилдилар. Тошкент область ижроия комитетининг раиси Ҳ. Э. Эргашев ана шу масала юзасидан доклад қилди.

Сессия ўқиш процессини практикага яқинлаштиришда, область мактабларини бир сменали машғулотларга ўтказишда халқ маорифи органлари қилган катта ишларни таъкидлаб ўтди. Ўтган ўқув йилида таълимни политехникалаштириш соҳасида ҳам талай силжиш рўй берди. Эндиликда пойтахт областидаги ўрта мактабларни тамомлаб чиққан ёшлар етуклик аттестати билан бир қаторда ўнлаб ишлаб чиқариш касбларини ҳам эгаллаб оладилар. Шу билан бирга депутатлар область ижроия комитетининг эътиборини мактаблар ишидаги мавжуд камчиликларга, шу жумладан қишлоқ мактабларини кадрлар билан, айниқса чет тил ўқитувчилари билан етарли таъминланмаганлигига қаратдилар.

Сессия қатнашчилари муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).

ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ҲАФТАЛИГИ

1962 йилда Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон адабиёти ва санъати ҳафталиги ўтказилади.

Ҳозир автоном республика ёзувчилари, адабиётшунослари, санъат аҳллари бу ҳафталикка қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Ҳафталик муносабати билан Тошкентда ўзбек ва рус тилларида қорақалпоқ ёзувчиларининг нўпгина асарлари нашр қилинади.

Жўлмирза Оймирзаевнинг «Амударё бўйида», Аббос Доби-ловнинг «Баҳодир», Қармис Дўсановнинг «Биринчи салютэ», Қ. Султоновнинг «Оқ дарё» романлари, Т. Жумамуродов, И. Юсупов, П. Қулмуратова ва Қ. Турымбетовларнинг поэма ва шеърлари ўзбек тилига таржима қилинади.

Қорақалпоғистон Давлат нашриёти ҳам бу ҳафталик муносабати билан қорақалпоқ ёзувчиларининг асарларини нашр этади.

Станиславский номидаги қорақалпоқ музикали драма театри, Бердақ номли давлат филармонияси ва халқ театрлари ҳам Тошкент меҳнаткашларига ўзларининг санъатини намойиш қиладилар. Музикали драма театрининг ижодий коллективи ҳафталикка А. Шамуратов ва С. Хўжамниёзов, Т. Олланазаровларнинг «Қирқ қиз», Ж. Оймирзаевнинг «Ойгулобод» асарларини тайёрламоқда.

Тошкентда бўладиган ҳафталикда қорақалпоқ халқи ўзининг адабиёт ва санъат соҳасидаги ютуқларини яна бир карра намойиш этади.

С. ИБРОҲИМОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

СОВЕТ-КУБА ДЎСТЛИГИ БУЗИЛМАС ВА МУСТАҲКАМ!

Катта Кремль саройида митинг

20 сентябрда Катта Кремль саройида москвaликлар узоқдаги мамлакат — Кубанинг вакиллари билан учрашдилар. Бу учрашув СССР ва Куба халқлари ўртасида мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва ҳамкорликнинг ёрқин намойиши бўлди.

Пойтахт меҳнаткашлари ва жамоатчилигининг жуда кўп вакиллари, Москва атрофи районларидаги қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, Латин Америкаси мамлакатлари билан дўстлик ва маданий ҳамкорлик совет уюшмасининг аъзолари, Куба студентлари СССР Олий Советининг мажлислар залига тўпландилар.

Куба президенти доктор Освальдо Дортикос Торрадо, Л. И. Брежнев, Н. Г. Игнатов, О. В. Куусинен, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, В. В. Гришин ўртоқлар президиумга чиққанларида ҳамма уларни гулдурос ва давомли қарсаклар билан кутиб олди. Бу ерда Куба бирлашган революцион ташкилотлари раҳбарларидан бири Блас Рока, Кубанинг Совет Иттифоқидаги элчиси Фаурэ Чомон ва Кубанинг бошқа вакиллари, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Н. Н. Органов, СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари А. А. Андреев, С. М. Будённий, К. Е. Ворошилов, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг раиси П. П. Лобановлар ҳам ҳозир бўлдилар.

Меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Н. А. Дигай Совет Иттифоқи ва Куба Республикаси халқлари ўртасидаги дўстлик митингини очиқ деб эълон қилади.

Латин Америкаси мамлакатлари билан дўстлик ва маданий ҳамкорлик совет уюшмасининг президенти, Ленин мукофоти лауреати композитор А. И. Хачатурян кубалик дўстларимизни пойтахт зиёлилари номидан табриклади. Ҳачатурян номли автомобиль заводининг электр ёрдами билан эритувчиси Н. Н. Устинов сўзга чиқади. У, Кубанинг қаҳрамон халқига ишчиларнинг қардошлик саломини йўллайди. Москва область Красногорск районидаги «Ленинский луч» колхозининг сигир согувчиси коммунистик меҳнат зарбдори Н. А. Чобанова мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг ҳодимлари Куба деҳқонларининг муваффақиятларидан ғоят хурсанд эканликлари тўғрисида гапиради. Москвадаги Ленин номли Давлат педагогика институтининг студенти Галина Чалих совет пойтахти ёшлари номидан гапиради.

Ҳамма томонидан самимий кутиб олинган СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев нутқ сўзлайди. Л. И. Брежнев айтадики, Москва меҳнаткашларининг шу митингда ҳозир бўлган вакиллари ва улар билан биргаликда бутун совет халқи ҳам Куба революциясининг жангчиларини, Кубанинг содиқ фарзандларини — президент Освальдо Дортикосни ва унинг ҳамроҳларини чин кўнгилдан табрик лайдилар. Совет Иттифоқи билан Куба ўртасида бир неча минг километр қуруқликдаги ерлар ва океан масофаси бор. Аммо шундай бўлса ҳам, Кубанинг номи, Куба рўёбга чиқариш учун кураш олиб бораётган ишларнинг ҳаммаси совет кишисининг қалбига яқин ва азиздир.

Куба халқининг тарихи,—деб таъкидлайди Л. И. Брежнев,— озодлик ва мустақиллик учун, ўз меҳнатининг самараларидан, ўз мамлакатининг бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун кураш тарихидир. Л. И. Брежнев Куба революциясининг йўлбошчиси Фидель Кастро раҳбарлигида олиб борилаётган ана шу курашнинг шонли сахифалари тўғрисида, чет эл территориясида ажнабийлар маблағлари ҳисобига тайёрланган ва таъминланган сотқин босмачи отрядлар — интервентлар тор-мор қилинганлиги ҳақида гапиради. Куба халқини тиз чўктириш йўлидаги ҳамма уринишлар тамомила беҳудадир. Маҳкам жипслашган ва озодликни қурашиб қўлга киритган ҳамда бахтли, кувончли ҳаётга олиб борадиган йўлни равшан кўриб билаётган халқни ҳеч ким енга олмайди.

Л. И. Брежнев айтадики, Куба ёлғиз эмас, Латин Америкасидаги бошқа мамлакатларнинг халқлари у билан биргадир. Совет Иттифоқи ва қудратли социализм лагери Куба томонидадир. Социализм лагери жабр-зулмга, эксплуатацияга, зўравонликка қарши, озодлик ва мустақиллик учун, инсоннинг бахти ва иззат-ҳурмати учун курашаётган халқларнинг ҳамиша содиқ дўсти ва мустаҳкам таянчи бўлиб келди ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Л. И. Брежнев ўз нутқида бундан бир йил муқаддам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси Совет ҳукуматининг ташаббуси билан мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги декларацияни қабул қилганлигини эслатиб ўтади. Совет Иттифоқи, Куба ва барча қитъалардаги неча ўнлаб бошқа мамлакатлар халқларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси декларациясида баён қилинган хоҳиш-иродаси ниҳоят рўёбга чиқсин, барча мустамлака мамлакатлар ва халқлар дарҳол мустақилликка эришмоқлари керак, бу мустақилликка сўзда эмас, балки амалда эришмоқлари керак, деб яқдиллик билан қатъий талаб қилмоқдалар.

Л. И. Брежнев ҳозирги халқаро вазиятга тўхталиб қуйидагиларни айтади: Барча мамлакатларнинг халқлари шуни билиб олмоқлари керакки, Совет Иттифоқи жаҳонни вайронгарчилик келтирувчи қирғинчилик урушларидан абадий халос қилмоқ учун бундан буён ҳам қўлидан келган ҳамма чораларни кўради. Бизнинг мамлакатимиз Европада мустаҳкам тинчлик ўрнатиш йўлида олиб бораётган курашини ҳамиша давом эттира беради. Бизнинг мамлакатимиз ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминлашнинг бирдан-бир тўғри ва мустаҳкам воситаси бўлган ёппасига ва батамом қуролсизланиш йўлидаги курашни тинмай давом эттира беради.

Л. И. Брежнев сўзини давом эттириб, қуйидагиларни айтади: Совет Иттифоқи ва Куба Республикаси бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилиш соҳасида биргаликда қараган қилмоқдалар. Энг муҳим халқаро масалалар юзасидан мамлакатларимиз фикрининг бирлиги яқиндагина қабул қилинган Совет-Куба ахборотида яна бир марта тантанали суратда таъкидлаб ўтилди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси айтадики, бизнинг мамлакатимиз Куба меҳнаткашлари билан интернационал бирдамлик туйғулари билан, тинчликни ва барча халқлар ўртасида дўстона ҳамкорликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб Кубага ёрдам бермоқда. Ўртоқ Н. С. Хрушчев кўп марта таъкидлаб ўтганидек, социалистик давлат сиёсатининг инсонпарварлиги ва интернационализм моҳияти шуки, биз ўзимиз учунгина бахтли ҳаёт тилаб қолмай, балки бошқа халқларнинг ҳам яхши ва бахтиёр ҳаёт кечиришларини истаймиз.

Сўнгра Л. И. Брежнев КПСС XXII съездига тайёрланаётган Совет мамлакати меҳнаткашларининг жўшқин ижодий ҳаёти тўғрисида гапиради. Коммунистик жамият қуриш йўли кенг миқёсда тинч қурилиш йўлидир. Партиямиз янги Программасининг проекти ана шу йўлни очиқ-равшан белгилаб берди. Шу сабабли биз мустаҳкам тинчлик учун сабот-матонат билан кураш олиб бормоқдамиз ва термоядро урушини бошлаб юборишни хоҳлаётган кишиларнинг кирдикорларига қарши шафқатсиз кураш олиб бормоқдамиз.

Л. И. Брежнев сўзининг охирида айтадики, Куба президенти Дортикоснинг СССРга қилган сафари халқларимиз ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланиб бораётганлигини исбот этувчи янги далилдир. Совет халқи Куба қаҳрамон халқининг Куба революцияси муваффақиятларини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш йўлида янгидан-янги катта муваффақиятларга эришувини тилайди.

Митинг қатнашчилари Куба Республикасининг президенти Освальдо Дортикос Торрадони қарсаклар билан кутиб олдилар. Освальдо Дортикос Торрадо ўзининг тўлқинлантирувчи нутқида Куба халқи номидан, демократик, ватанпарварлик ва социалистик революция номидан Москва меҳнаткашларига қардошлик саломини топширади. Куба халқи ҳозирги вақтда ана шу социалистик революцияни зўр ғайрат билан амалга оширмоқда.

Президент кубаликларнинг миллий йўлбошчиси Фидель Кастронинг моҳирлик билан қилаётган раҳбарлигида олиб бораётган озодлик курашини, бу курашнинг қийинчиликларини, жумладан, Шимолий Америка империализмининг Куба революцияси ғолибона ҳаракатини тўхтатиш ва ўз ҳукмронлигини тиклаш йўлида беҳуда уринишларини давом эттираётганлиги орқасида рўй бераётган қийинчиликларни кўрсатиб ўтади. Миллионларча кубаликлар халқаро ҳамкорликка таяниб, ўз мамлакатида янги жамиятни барпо қилмоқдалар. Освальдо Дортикос ҳамманинг қарсаклари остида айтадики, ана шу янги жамиятнинг ёрқин нури ватаним уфқида яққол кўриниб турибди. Освальдо Дортикос яна айтадики, Куба революцияси империализм ҳукмронлигига қарши миллий-озодлик йўлидаги курашга отланган халқларнинг революцион имкониятлари борлигини Латин Америкаси халқларига жуда яққол исбот қилиб беради.

Сўнгра Освальдо Дортикос Кубада революцион ҳокимият иш кўра бошлагандан буён ўтган икки ярим йил мобайнида амалга оширилган социал ўзгаришларга тўхталиб ўтади. Освальдо Дортикос қишлоқ хўжалиги структураси тубдан ўзгарганлиги тўғрисида, саноатнинг асосий тармоқлари национализация қилинганлиги ҳақида, шунингдек Кубани индустриаллаштириш ишлари бошланганлиги тўғрисида гапиради. Социалистик мамлакатларнинг, хусусан Совет Иттифоқининг ёрдами билан республикада саводсизликни тугатиш соҳасида кенг кампания ўтказилмоқда.

Революция, — деди Освальдо Дортикос,—Куба халқига сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш йўлини очиб берди. Кубада империалистлар ҳукмронлигига узил-кесил хотима берилди. Ҳозирги вақтда ҳокимият органлари ва миллий экономика бошқармалари Куба ишчилари қўлидадир. Куба ишчилари бутун халқнинг мададига таяниб, деҳқонлар билан қардошларча иттифоқда иш кўрмоқдалар.

Кубаликлар, — дейди президент, — Латин Америкаси, Осиё ва Африка халқларининг Куба халқи билан бирдамлиги туфайли социалистик лагердаги мамлакатларнинг кенг миқёсда қўллаб-қувватлаши туфайли ва хусусан Совет Иттифоқининг ёрдами туфайли тарихий жасорат кўрсата олдилар.

Освальдо Дортикос Совет Иттифоқининг Кубага бераётган ёрдамига тааллуқли фактлар келтириб, қуйидагиларни айтади: Мен бу ерда Куба халқининг туйғуларини изҳор қилиб тантанали суратда шуни айтаманки, менинг халқим сақийлик билан кўрсатилган ана шу ёрдам учун Совет Иттифоқи халқи ва раҳбарларига абадий ва чин кўнгилдан миннатдорчилик билдиради. Совет Иттифоқи халқи ва раҳбарлари бизнинг суверенитетимизга дахл қилмай, қандайдир фойда олишга интилмай ва ҳеч қандай сиёсий шартлар қўймай ана шундай ёрдам кўрсатиб келмоқдалар.

Президент сўзини давом эттириб, қуйидагиларни айтади: Совет Иттифоқи ва Куба ер юзида умумий тинчликни хавф остида қолдираётган империализм ва уруш кучларига қарши бир ёқадан бош чиқариб кураш олиб бормоқдалар. Куба ҳукумати ва халқи Ғарбий Германиянинг қайтадан қуролланиш хавфи пайдо бўлганлиги муносабати билан улуғ йўлбошчи, бизнинг дўстимиз Никита Сергеевич Хрушчев раҳбарлигидаги Совет ҳукуматининг қабул қилган қарорларини қўллаб-қувватлайди.

Освальдо Дортикос ўз нутқида Совет—Куба дўстлиги мустаҳкамланиб бораётганлигини таъкидлади. У. СССРга қилган сафари тўғрисида гапириб айтдики, Куба вакиллари совет жамиятининг улкан ижодий куч қудратини ўз кўзлари билан кўрдилар. Освальдо Дортикос сўзининг охирида сизга бўлган муҳаббат ва ҳурматимиз абадий давом эта берсин, деди.

* * *

Митинг тамом бўлди. Бу митинг ғоят баланд руҳ билан ўтди. Залда революцион Куба шарафига, Совет Иттифоқи ва Куба халқларининг тинчлик йўлидаги курашида улар ўртасидаги дўстлик шарафига табрик хитоблари янгради. Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежнев ўртоқлар президент Освальдо Дортикос билан қўл қисишиб кўришадилар ва уни қучоқлайдилар. Яна гулдурос қарсаклар бошланади. (ТАСС).



Биринчи синф ўқувчиси. Фото конкурсга келган суратлардан. А. Заблоцкий фотоси.

МАЛИ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАЙРАМИ

Бугун ёш Мали Республикасининг халқлари мустамлака зулми занжирларини улоқтириб, миллий озодликка эришган кунининг бир йиллигини нишонламоқдалар. Бундан бир йил муқаддам 1960 йил 22 сентябрда етакчи сиёсий партия—Судан союзи мустақил Мали Республикаси тузилганлигини эълон қилди. Мали Республикаси Франциядан олган барча шартнома ва мажбуриятлардан озод бўлди.

Мали Республикасининг аҳолиси 4300 минг киши. Мали — кўп миллатли республикадир.

Ҳозирги пайтда Мали Республикасида 1961-1964 йилларга мўлжалланган халқ хўжалик плани ишлаб чиқилмоқда.

Мали ҳукумати ёш авлодни янги ҳаёт қуришга ўргатиш ва республика халқларини ҳамкорлик, дўстлик руҳида тарбиялаш соҳасида ҳам бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Мактаблар, болалар боғчаси, клублар, касалхоналар қурилмоқда. Янги қурилиш иншоотлари — каналлар қазилмоқда. Лекин мамлакатда олиб борилаётган ишлар ҳали халқ эҳтиёжини тўла қондира олаётгани йўқ. Мактаб ёшидаги 1900 минг боладан фақат 350 мингга яқини бола ўқимоқда, холос.

Республикада дин давлатдан ажратилган. Шундай бўлса ҳам Америка миссионерлари африкаликлар ватанидан чиқиб кетган эмас. Улар Африка қишлоқларида «дин» ва «маданият» «тарқатиш» баҳонаси билан халқларнинг юз миллионларча долларини ўз чўнтакларига уриб ётибдилар.

Мали Республикасида кадрларга муҳтожлик катта. Мамлакатда олий мактаблар йўқ. Фақатгина битта ўқитувчилар институти бор. Бироқ Мали халқлари эртанги кунга катта умид билан қараб, миллий экономикани яратиш учун курашмоқдалар. Халқ ўз ҳукумати ва Судан союзи партиясини севади. Бутун республика бўйлаб ёшларнинг комитетлари тузилган. Ёшлар комитетининг ташаббуси билан Сегу районида узунлиги 30 километрли канал қурилди. Ҳукумат олдида Нигер дарёсининг қуйи оқимидаги ерларни ўзлаштиришдек муҳим вазифа турибди.

Республика хотин-қизлари ҳам катта ишларга бел боғлаган. Хотин-қизлар ташкилотлари аҳоли ўртасида маърифат тарқатмоқда, қолоқлик, куллик сарқитларига қарши курашмоқда. Хотин-қизлар юзларидан чодирларини улоқтириб ташлаб, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмоқдалар. Хотин-қизлар ташкилотининг аъзолари Совет Шарқи республикаларидаги актив жамоатчи хотин-қизлар ҳаётини зўр қизиқиш билан кузатиб турибдилар.

Мали ҳукумати Совет Иттифоқи билан маданий, илмий ва дўстлик алоқаларини ўрнатишга интилмоқда. Истеъдодли Мали халқи ўз озодлигини мустаҳкамлаш учун кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқда. Улар империализмга нафрат билан қарамоқдалар, жаҳонда тинчлик посбони — Совет Иттифоқи қўлга киритган ютуқлардан хурсанд бўлмоқдалар.

Совет кишилари ўз миллий-озодлик байрамларини нишонлаётган Мали Республикаси халқларига экономика, маданият ва маърифатни гуллатишда янги-янги муваффақиятлар тилайди.

И. ҲАКИМОВ,
В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг ўқитувчиси.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ XVI СЕССИЯСИДА

НЬЮ-ЙОРК, 20 сентябрь. (ТАСС). Бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг ялпи мажлиси бўлди. Бош Ассамблея ваколатларни текшириш учун Австралия, Бирма, Исландия, Италия, Мали, Никарагуа, Перу, Совет Иттифоқи ва АҚШ вакилларидан иборат комитет сайлайди. Шундан кейин делегациялар Бош Ассамблея XVI сессиясининг раисини сайлайдилар. Индонезия вакили Састроамижойонинг таклифига мувофиқ, Бош Ассамблея Тунис вакили Монжи Слимни якдиллик билан ўз раиси қилиб сайлайди.

Ялпи мажлис ишида танаффус эълон қилинади. Комитетларнинг мажлислари навбатма-навбат ўтказилади. Бу мажлисларда қуйидаги делегатлар комитетларининг раислари қилиб сайланади:

Аргентина вакили Амадео Биринчи комитетнинг (сиёсий масалалар ва хавфсизлик масалалари бўйича) раиси. Болгария вакили Чобанов Махсус сиёсий комитетнинг раиси. Италия вакили Иккинчи комитетнинг (иқтисодий ва молия масалалари бўйича) раиси. Филиппин вакили Учинчи комитетнинг (махсус гуманитар ва маданият масалалари бўйича) раиси. Либерия вакиласи Тўртинчи комитетнинг (васийлик масалалари бўйича) раиси. Дания вакили Бешинчи комитетнинг (маъмурий ва бюджет масалалари бўйича) раиси. Панама вакили Олтинчи комитетнинг (юридик масалалар бўйича) раиси қилиб сайланди.

Бош Ассамблеянинг ялпи мажлиси яна ўтказилади. Бу мажлисда Бош Ассамблея раисининг 13 ўринбосари сайланади.

Нигер, Кипр, Гана, Чехословакия, Коста-Рика, Мексика-Грецил, Нидерландия, СССР, АҚШ, Англия, Франция вакиллари ва чан кайшичи Бош Ассамблея раисининг ўринбосарлари қилиб сайланади.

Совет-Америка қўшма баёноти

НЬЮ-ЙОРК, 20 сентябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда қуролсизланиш юзасидан музокаралар олиб бориш учун ўзаро келишилган принциплар тўғрисида Совет-Америка қўшма баёноти имзоланди. Маълумки, шу масала юзасидан СССР ва АҚШ вакиллари 1961 йил 19 июндан 30 июнгача Вашингтонда, 17 июлдан 29 июлгача Москвада ва 6 сентябрдан 19 сентябргача Нью-Йоркда фикр олишган эдилар.

Фикр олишув натижасида ҳар иккала ҳукумат ўзаро келишилган принциплар тўғрисидаги қўшма баёнотни Бош Ассамблеяга тақдим этди. Улар бу принципларни қуролсизланиш юзасидан музокаралар яна бошланган чоқда музокаралар олиб бориш учун қўлланма сифатида тавсия этадилар.

Баёнотда айтиладики, музокараларнинг мақсади — қуролсизланишнинг ёппасига ва батамом бўлишини таъминлайдиган ва урушнинг халқаро проблемаларни ҳал этиш воситаси бўлмаслигини таъминлайдиган программа тўғрисида бир битимга келишдан иборат бўлмоғи керак.

Баёнотда айтиладики, шу тариқа қуролсизланиш билан бир вақтда низоларни тинч ҳал этиш ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг принципларига мувофиқ суратда тинчликни сақлаш юзасидан самарали тадбирлар кўриш учун ишончли процедуралар белгиланади.

Қуролсизланиш программаси ўзаро келишувга мувофиқ қуролсизланиш тугалланганига қадар босқичма-босқич изчиллик билан амалга оширилиши керак. Шу билан бирга ҳар бир босқич ва ҳар бир чора белгиланган мудатда амалга оширилиши лозим.

Баёнотда яна бундай дейилади: Ёппасига ва батамом қуролсизланиш соҳасидаги ҳамма тадбирлар шуни таъминлаши керакки, шартномани амалга оширишнинг ҳар бир босқичида бирорта давлат ёки давлатлар группаси ҳарбий жиҳатдан устун бўлолмасин ва ҳаммасининг хавф-хатарсиз бўлиши бир хил даражада таъминлансин.

Баёнотда яна айтилишича, қуролсизланиш соҳасидаги ҳамма тадбирлар битимнинг барча қатнашчилари ўз мажбуриятларига амал қиладилар, деган қатъий ишонч бўлишини таъминлайдиган қаттиқ ва самарали халқаро контроль остида бошдан-охиригача амалга оширилиши лозим.

Баёнотда айтиладики, қуролсизланиш устидан контроль ва инспекцияни амалга ошириш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида қуролсизланиш юзасидан халқаро ташкилот тузилиши лозим. Битимда қатнашувчи барча мамлакатлардан бу ташкилотда вакиллар бўлиши керак. Қуролсизланиш масаласи билан шуғулланувчи ана шу халқаро ташкилот ва унинг инспекторлари самарали текшириш мақсадлари учун зарур бўлган ҳамма жойларга ҳеч монесиз бориш имкониятига эга бўлишлари лозим.

Баёнотнинг охирида таъкидлаб ўтилишича, қуролсизланиш соҳасидаги ишлар тинчликни сақлаш ва халқаро низоларни тинч воситалар билан бартараф қилиш билан шуғулланувчи ташкилотларни мустаҳкамлаш тадбирлари билан боғлаб олиб борилиши лозим.

АМЕРИКА МАЪМУРЛАРИНИНГ КАМСИТУВЧИЛИК ХАТТИ-ҲАРАКАТИ

НЬЮ-ЙОРК, 20 сентябрь. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабар беришича, Америка иммиграция маъмурлари Конго Республикасининг БМТдаги доимий вакили Томас Канзани камситдилар. Канза Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг очилаётган сессиясида қатнашиш учун келган эди.

Хабарда бундай дейилади: иммиграция маъмурлари «Конго ҳукуматининг мансабдор киши сифатидаги ваколатларини текшириш» баҳонаси билан Канзани аэропортда 4 соатдан ортиқ ушлаб турдилар. Пировардида Канзанинг гўё «тегишли дипломатик ҳужжатларни етишмайди» деган сабаб билан унинг АҚШ га киришига рухсат берилмади. Иммиграция маъмурларининг вакили матбуот вакилларига, Канза «ушланганлар сақланувчи иммиграция ва натурализация хизмати биносига олиб борилади», деди.

Маълумки, Канза марҳум бош министр Патрис Лумумба ҳукумати томонидан Конго Республикасининг БМТдаги доимий вакили қилиб тайинланган ва Сирил Адула бошлиқ Конгонинг янги ҳукумати уни бу мандатдан маҳрум қилмаган эди. Шуни назарга олганда, Пропаганда — Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 34780. Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 31226. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги

ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТЛАРИ ВА ОЛИЙ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ

қатнаб ўқийдиган ва сиртқи аспирантурасидаги

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАРГА 1962 ЙИЛ УЧУН

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ленин орденли Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институтида (Тошкент область, Ботаника почта бўлими, Оққовоқ, Оржоникидзе райони, телефон 25): агрокимё, ўсимликшунослик (ғўза, гербицидлар, дефолиация), умумий деҳқончилик, қишлоқ хўжалик мелиорацияси, ўсимликлар физиологияси, биофизика (текширишнинг зотоп методлари), ўсимликлар биокимёси, қишлоқ хўжалик микробиологияси, суғориладиган деҳқончилик.

Урта Осиё ипакчилик институтида (Тошкент шаҳар, Шелкович-ная кўча, 40-уй, телефон 34-198): хусусий зоотехния (ипакчилик), ўсимликшунослик (тутчилик), ипак қурти физиологияси, ўсимликлар биокимёси.

Урта Осиё ўрмоншунослик институтида (Тошкент область, Дарҳон қишлоқ, Дендропарк, телефон 27-387): ўрмоншунослик, ер тузиш, ўрмон дарахтлари (агроселекция, ўрмон мелиорацияси), ёғоч тайёрлаш ва ўрмон хўжалиги машиналари ва механизмлари, фитопатология (ўрмонни ҳимоя қилиш), агрокимё.

Академик Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик институтида (Тошкент шаҳар, Бош почтамт, 16- почта яшиги, телефон 30-970): узум винолари ишлаб чиқариш технологияси, мева ва резавор ўсимликлар селекцияси, микробиология (узумчилик бўйича), агрокимё, қишлоқ хўжалик машиналари, мева ва резавор ўсимликлар сортшунослиги.

Чорвачилик институтида (Тошкент область, Оржоникидзе район, Киров кўчаси, 3- уй, телефон 62-667): чорва моллар урчитиш (паррандачилик, қўйчилик, қорамол, чўчқачилик), сутчилик иши, чорва моллар боқиш, хусусий зоотехния, генетика (сунъий қочириш), физиология (чорвачиликда), биофизика (чорвачиликда), ўсимликшунослик (ем-хашак экинлари).

Бутуниттифоқ қоракўлчилик институтида (Самарқанд шаҳар, К. Маркс кўчаси, 47- уй): хусусий зоотехния (қўйчилик), чорва моллар физиологияси, ўтлоқ ва яйлов хўжалиги, чорва моллар урчитиш.

Ветеринария институтида (Самарқанд область, Тойлоқ қишлоғи): патологик анатомия, эпизоотология, паразитология, зоогигиена, энтомология (медик-ветеринария).

Урта Осиё қишлоқ хўжаликларини механизациялаш ва электрлаштириш институтида (Тошкент область, Янгийўл шаҳри): қишлоқ хўжалик машиналари, машина-трактор паркини эксплуатация қилиш, трактор, автомобиль ва қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида электр қувватидан фойланиш, қишлоқ хўжалигини электр билан таъминлаш.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни экономикаси ва ташкил қилиш институтида (Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 4- уй, телефон 41-632, 40-743): қишлоқ хўжалик экономикаси.

**Усимликларни ҳимоя қилиш